

Ал-Азҳар Халқаро Қуръон мусобақасининг шартлари эълон қилинди



15:00 / 04.01.2019 1862

Ал-Азҳар Халқаро Қуръон мусобақаси ташкилий қўмитаси берган маълумотга кўра, мусобақа 5 босқичда ўтказилади. IQNанинг хабар беришича, ташкил қўмита мусобақа шартларини эълон қилган.

Танлов шартларига кўра мусобақада қатнашувчиларнинг ёш бўйича тартиби қуйидагича: биринчи босқич 40 ёшдан, иккинчи босқич 30 ёшдан, учинчи босқич 25 ёшдан ва тўртинчи босқич 15 ёшдан катта бўлмаслиги керак.

Мисрда истиқомат қиладиганлар <http://azhar.eg/quranregister> сайти орқали рўйхатдан ўтишлари мумкин. Мисрдан ташқаридаги номзодлар Ал-Азҳарнинг расмий мактуби юборилган ИсломиЙ марказлар ва мамлакатларда қайд этилишлари мумкин. Номзодлар жумодисоний ойининг охиригача рўйхатдан ўтишлари лозим.

Мисрликлар учун мусобақанинг дастлабки саралаш босқичи жумодисоний ва ражаб ойларида бўлиб ўтади. Мусобақанинг барча қатнашувчилари шаъбон ойининг 15-22 кунларида ўзаро куч синашадилар. Финал босқич шаъбон ойининг 23-28 кунлари бўлиб ўтади. Рамазоннинг 8 кунида эса мусобақа натижаларини эълон қилиш ва ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилади.

Islom.uz портали тахририяти